

7-26-2020

THE ATTITUDE AND VIEWS OF THE SUNNY ISLAMIC SCHOLARS TO SUFIZM

Davron Hoshimovich Kadyrov

lecturer at the department of national ideology, law and spirituality, BSU

Ogiloy Hamdamovna Mavlonova

senior lecturer of the department of foreign languages, BSU

Rustam Khasanovich Adizov

senior lecturer of the department of interfaculty physical education, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Philosophy Commons](#)

Recommended Citation

Kadyrov, Davron Hoshimovich; Mavlonova, Ogiloy Hamdamovna; and Adizov, Rustam Khasanovich (2020) "THE ATTITUDE AND VIEWS OF THE SUNNY ISLAMIC SCHOLARS TO SUFIZM," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 3 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss3/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Айнан шу мақсадлари орқали амалдаги ҳукумат бошқарувига нисбатан фуқаролар ўртасида низо ва нифоқ солиш туфайли норозичилик кайфиятларини келтириб чиқариш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Шу тариқа, мазкур ҳаракатлар оқибатида дунё миқёсида диний тўқнашувларнинг авж олиши миллатлараро зиддиятларга замин яратмоқда. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда жанубий Тиролия, Белгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар муаммолари миллий низоларга, сиёсий-ижтимоий тўқнашувларга сабаб бўлиб келади [5]. Зеро, прозелитизм оқибатида диний адоват уйғотиш орқали миллатлараро зиддиятларга замин яратилмоқда. Дунё миқёсида, миллий ва диний адоватларни келтириб чиқариш орқали хавфсизлик, барқарорликка раҳна солувчи прозелитизм таҳдидига қарши барча Юртдошларимизни ғоявий-мафкуравий қуроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. **Ergashev A.** Globallashuv ogohlikka undaydi. // Turkiston gazetasi, 2014 yil 13 dekabr. - №100. - B 3.
2. **Viktor Yelenskiy** Religioznaya svoboda globalnie izmereniya. <http://tatpolit.ru/category/zvezda/2011-06-21/6008>.
Millatlararo do'stlik va hamjihatlik - xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25 yilligiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>.
3. **Quronov M.** Niqob ortiga bir nigoh. - T.: Ma'naviyat, 2018. - 11b.
4. **Musaev. O.R.** Millatlararo ziddiyatlarning ijtimoiy omillari. "Konfessiyalararo muloqot va diniy bag'rikenglik - jamiyat barqarorligi garovi". Xalqaro konferentsiya materiallari to'plami. - T.: 2014. TIU.NMB. - B. 246.
5. **Shillington K.** History of Africa. London, 1995, ss. 292 vd.
6. **Xasanboev O'.** O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. - T.: Toshkent islom universiteti, 2014. - B. 6.
7. **Xasanboev O'.** O'zbekistonda daavlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar mafkuraviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. - T.: Toshkent islom universiteti, 2014. - B. 378.

УДК:94

АҲЛУ СУННА УЛАМОЛАРИНИНГ ТАСАВВУФГА МУНОСАБАТИ ВА ФИКРЛАРИ ОТНОШЕНИЕ И ВЗГЛЯДЫ УЧЕНЫХ СУННИТСКОГО ТОЛКА К СУФИЗМУ THE ATTITUDE AND VIEWS OF THE SUNNY ISLAMIC SCHOLARS TO SUFIZM

Қодиров Даврон Ҳошимович

БухДУ миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси

Мавлонова Ўғилой Ҳамдамовна

БухДУ чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Адизов Рустам Хасанович

БухДУ факультетлараро жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси

Kadyrov Davron Hoshimovich

lecturer at the department of national ideology, law and spirituality, BSU

Mavlonova Ogiloy Hamdamovna

senior lecturer of the department of foreign languages, BSU

Adizov Rustam Khasanovich

senior lecturer of the department of interfaculty physical education, BSU

Таянч сўзлар: тасаввуф, мазҳаб уламолари, тариқат, ҳанафий, шозилий, шофеъий, моликий, ҳанбалий, тўғри йўл, мулойим бўлмоқ, инсонпарварлик, комил инсон тарбияси.

Ключевые слова: суфизм, ученые мазхаба, тарикат, ханафия, шазилия, шафеъия, маликия, ханбалия, правильный путь, быть мягче, гуманизм, воспитание совершенного человека.

Key words: sufizm, scholars of mazkhab, tarikah, hanafi, shazili, shafei, maliki, hanbali, aright way, to be softer, humanism, education of aideal person.

Мақолада Ислом оламидаги йирик уламолар ва мужтаҳид олимларнинг тасаввуф борасидаги қарашлари баён қилинади. Тўрт мазҳаб имоми ва салафи солиҳлар давридаги олимлар тасаввуфни жуда қадрлаганлар ва сўфийларга эҳтиром кўрсатганлар. Тасаввуф таълимотидаги поклик, инсонпарварлик ғоялари жамиятимизда долзарбдир. Шу билан бирга, миллий мафкурамиздаги асосий ғоялардан бири комил инсон тарбиясида тасаввуфни ўрганиш аҳамият касб этади.

В статье раскрываются взгляды знатных ученых и муджтахидов Ислама о суфизме. Ученые времен имамов и салафитов четырех сект высоко ценили мистицизм и уважали суфиев. Идеи чистоты и человечности в учении суфизма актуальны в нашем обществе. В то же время одной из основных идей нашей национальной идеологии является изучение мистицизма в воспитании идеального мужчины.

In the article the views of notable scientists and mujtahids of Islam about sufizm are analyzed. The scholars of the time of the imams and salafis of the four sects highly valued mysticism and respected the Sufis. The ideas of purity and humanity in the teachings of Sufism are relevant in our society. At the same time, one of the main ideas of our national ideology is the study of mysticism in the education of the perfect man.

Кириш. Юртимизда сўнги йилларда Ислом дини ва тасаввуфни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази, Тасаввуф илмий мактаби ва Ҳадис илми мактабининг ташкил этилганлиги, Етти пир зиёратгоҳларининг таъмирланиши ҳамда зиёрат туризмнинг йўлга қўйилиши маънавий меросимизни қайта тиклаш ва юксалтиришга қаратилган ишларнинг самарали амалга оширилаётганига яққол мисолдир. Шу билан бирга тасаввуф илмини ва маънавий асосларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ундаги эзгу умуминсоний ғояларини халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш асосий вазифалардан биридир.

Асосий қисм. Тасаввуф ҳақида гапирар эканмиз, аввало, Ислом уламолари ва мазҳаб асосчиларининг у ҳақдаги фикрлари, муносабати ва баён этган асарларини ўрганишимиз талаб этилади. Аҳли сунна олимларининг сўфийлар ва сўфийлик тўғрисидаги айтган сўзларини билибгина Ислом ва тасаввуфнинг алоҳида йўл эмаслигини англаб етамиз. Шу сабабли илк ислом давридаги олимлар ва мужтаҳидларнинг тасаввуф ҳақидаги фикрларини манбаларга таянган ҳолда ёритиш тариқатларни тадқиқ қилиш ва англаб етишда билим пойдеворига айланади.

Ҳасан ал-Басрий (642-728 й) Каъба атрофида айланиб, тавоф қилаётган сўфий ҳақида шундай дейди: “Мен Каъбани тавоф қилаётган бир сўфийни кўрдим ва унга пул бермоқчи бўлдим. У эса садақани рад этиб, пулни олмади ва деди: “Менда тўрт чақа бор, шунинг ўзи менга етарли”. Бу сўфий Ҳасан ал-Басрийдан бир дирҳамчалик пули бўлмаса ҳам пулни олмади, яъни ўзида бор арзимас чақаларга қаноат қилди. Бу ҳикояни у сўфийнинг ҳақиқий қалб бойлигидан ҳайратланиб, таъсирланиб айтиб берапти. Чунки ҳадисга мувофиқ: “Ҳақиқий бойлик - бу давлатнинг кўплиги эмас, балки қалб бойлигидир” [1, 22].

Маълумки, Ҳасан ал-Басрий дунёдаги барча мусулмонлар эъзозлайдиган ва саҳобалардан кейин яшаган тобеъинлардандир. Ҳаттоки, баъзи уламолар уни Увайс ал-Қароний, Саид бин ал-Мсаййиб, Умар ибн Абдулазиздан ҳам афзал ҳисоблайдилар. Олимнинг сўзларини барча Ислом уммати ҳақ деб билади. Бу олим 25 ҳижрий йилида туғилган ва 110 йилда вафот этган.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Суфён ас-Саврий (97-161/716-778 й) айтади: “Агар сўфий Абу Ҳишом бўлмаганида, мен риёнинг нозик томонларини билмаган бўлар эдим” [2, 491]. Кўриняптики, Фикҳ ва ҳадис илмида йирик олимлардан бўлган Суфён ас-Саврий сўфий Абу Ҳишомдан риё ҳақида жавоб олаяпти. Чунки ҳадисга кўра риё бу кичик ширк, яъни бошқа бир махлуқни Аллоҳга шерик қилиш деганидир. Шу ўринда айтиш жоиз, у баъзи бир шарқшунос ва тасаввуфшунос олимларга ўхшаб Абу Ҳишомни насроний, мушрик, зардуштий, буддист ёки ҳинд ва юнон файласуфи деб атамаяпти.

Абдуллоҳ ибн Муборак (118-181/736-797й) қарийб 20 минг ҳадисни ёд билар эди. Имом ан-Нававий у ҳақда: “У шундай инсонки, у ҳақда эслаганда раҳмат ёғилади ва унга нисбатан муҳаббат ҳаққидан гуноҳлар афв этиладиган имом деб бутун уммат баҳамжихат тан олади” [3, 285]. Олимлар унинг номини биринчи сўфийлар сирасида тилга оладилар.

Имом Абу Ҳанифа (80-150/699-767 й) доим Абдуллоҳ ибн Муборак, Иброҳим ибн Адҳам, Шақиқ ал-Балхий, Лайс ибн Саъд, Ҳасан ибн Салим каби замонасининг машҳур сўфийлари билан биргаликда бўлган. Шунингдек, у ўз давридаги сўфийлар - имом Жаъфар ас-Содиқ, Муҳаммад ал-Боқир, Ҳаммод ибн Абу Сулаймонлардан таълим олган [4, 329].

Ибн Обидиннинг “Ҳошият” ва Ҳанафий Ҳаскафийнинг “Ад-дурр ул-Мухтор” асарларида шундай дейилган: “Довуд ат-Тойи Абу Ҳанифадан ҳам шариат, ҳам тариқатни олди”. Ҳанафий олим Муҳаммад Али Ҳаскафий (1025-1088) қуйидаги маълумотни келтиради: “Устоз Абул Қосим ал-Қушайрий ўзининг мазҳабдаги юсак олий мартабаси ва тариқатдаги етакчилик ҳолатида рисола (Рисолаи Қушайрия)да шундай дейди: “Эшитдимки, устоз Абу Али ад-Даққоқ: Мен тариқатни Абул-Қосим Насрабозийдан олдим. Абул-Қосим Аш-Шиблийдан, у Сирри Сақатийдан, у Маъруф Кархийдан, у эса Довуд ат-Тойидан олган. Довуд ат-Тойи эса илм ва тариқатни Абу Ҳанифадан қабул қилиб олган. Ва уларнинг ҳар бири Абу Ҳанифани шарафлаб мақтарди ва унинг фазилатини тан оларди, деб айтганди”. Таъкидлаш жоизки, Довуд ат-Тойи ижозатни Маъруф Кархийга, у эса Сирри Сақатийга ва у Шиблийга берган ва Нақшбандия тариқатининг бир тармоғи ҳам айнан шундай давом этган.

Имом Абу Ҳанифа 4000 дан ортиқ олимдан таълим олган, ундан эса 1500 киши илм ўрганган ва уларнинг 40 таси мужтаҳид даражасига етишган. Олим ҳар куни икки ва ундан ортиқ Қуръонни ўқиб чиқар эди. Бағдодда яшаган пайти Қуръонни беш минг марта ўқиб чиққан. Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан мингтага яқин асар ёзган. Имом 40 йил бомдод намозини хуфтон намозидаги таҳорати билан ўқиган. Бу олимнинг туни билан ухламасдан ибодат қилиб чиққанлигини англатади. Шундай муборак зот сўфийларни бирор марта айбламаган ва жуда ҳурмат қилган.

Имом Молик (93-179/711-795 й) мужтаҳиди мутлақ, ҳадис илми билимдони ва тўрт мазҳаблардан бирининг асосчисидир. Мужтаҳиди мутлақ деб шариатнинг асосий манбалари асосида ҳукм чиқаришга изн берадиган ижтиҳоднинг юсак даражасига айтилади. Бу зот уч юзтаси тобеъинлардан бўлган етти юзта олимдан таълим олган. Имом Молик бирор марта тасаввуфни ёмонламаган, унинг энг яхши шогирдлари ҳам Иброҳим ибн Адҳам, Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ ибн Муборак каби сўфийлар бўлишган. Имом Абу Ҳанифа у ҳақда шундай деган: “Мен имом Моликчалик Аллоҳнинг расули суннатини яхши биладиган бирор кимсани билмасдим”. Пайғамбар Муҳаммад а.с. деган экан: “Одамлар илмни ҳар ерда қидиришни бошлайдилар, аммо мадиналик олимдан кўпроқ биладиган кишини тополмайдилар”. Ибн Уайна ва Абдурраззоқ бу ҳадисни имом Моликка тааллуқли деб айтганлар. Буюк олим сўфийлик ҳақида шундай деган: “Кимики, шариат илмларини ўрганишни бошласа-ю, тасаввуфни ўрганмаса у албатта фосиқ бўлади” [7, 566]. Яъни имом тасаввуфни ўрганмаган фақиҳ муллолар Аллоҳга осий бўлади демоқчи. Ушбу ҳадис ва фикҳ илмидаги буюк олим сўфийлар билан дўст тутиниб, тасаввуфни ўрганмаслик тўғри йўлдан адаштиришини айтмоқда.

Имом Шофеъий (50-204/767-820 й) шофеъийлик мазҳабининг асосчиси, усули фикҳ илмига асос солган ва мусулмон оламини ўз илми билан тўлдирган уламолардан биридир. Бу зот Қуръонни 7 ёшида тўлиқ ёд олиб, уни ҳар куни ўқиган ва 10 ёшида имом Моликнинг машҳур “Ал-муватто” асарини ёддан билган. Олим 15 ёшида фатво

берадиган даражага эришган. Ислол олимлар пайғамбар а.с.нинг: “Қурайшликларни лаънатламанглар, улар орасидан бутун оламни илмга тўлдирадиган олим чиқади” деган ҳадислари айнан имом Шофеъий ҳақида айтилган дейдилар. Абдулмалик Исфохоний ҳам ушбу ҳадис фақат имом Шофеъий ҳақида айтилган деб ёзади. Шунингдек, бу зот ҳақида имом Аҳмад ўз даврининг муҷаддиди, яъни янгиловчиси деб айтган.

Имом Шофеъийнинг ўзи шундай дейди: “Мен сўфийлар билан дўст тутинар эдим ва улардан учта ҳикматни билиб олдим: Вақт - бу жанг майдонидаги шамширдир, агар уни хайр учун ўз йўлингга ишлатмасанг, у сенга қарши ишлатилади. Агар нафсингни хайрли ишларга бурмасанг, у сени ёмонликка буради. Йўқлик (ҳою ҳавас ва нафс истакларидан воз кечиш) нажотдир”. Буни шундай тушуниш керак, агар вақтни тўғри тақсимламасанг ва ҳамма эзгу ишга ажратмасанг, у лаҳза сингари ўтиб кетади ва қайтмайди, шу билан бирга барча хайрли амаллардан сени юлиб олади.

Имом Шофеъий бу дунёда менга уч нарсага муҳаббат сингдирилганди: 1. Табиий бўлмаган нарсдан воз кечишга; 2. Инсонларга мулоим муносабатда бўлишга; 3. Аҳли тасаввуф йўлидан бормоқликка, деб айтганди. Бир рубоийсида мужтаҳид шундай дейди:

Фақиҳан ва суфиян факун лайса ваҳидан,
 Фаинний ва ҳаққал-Лоху ийяка ансаҳу.
 Фазалик қосин лам язук қалбуҳу туқан,
 Ва ҳаза жаҳулун кайфа зул-жаҳл яслуҳу?!

(Таржимаси: Фақиҳ бўл, ҳам сўфий, лек иккови ҳам бўлма. Албатта, мен сени Аллоҳ йўлида ислоҳ қилгумдир. Фақиҳ, аммо сўфиймас – қалби қаттиқ ва тақво таъмин билмас. Сўфий, аммо фақиҳ эмас – у жоҳилдир, жоҳил ниятига етмас (қандай қилиб жоҳил тузалсин?!)) [8, 46]

Баъзилар имом Шофеъий: сўфий бўлган киши куннинг ярмига бориб жинни бўлади деб айтган дейдилар. Бироқ бу сўзлар сохта ва амалсиз сўфийлар тўғрисида айтилгандир. Буни имом ва ҳофиз Абу Бакр ал-Байҳақийнинг (384-458 ҳ.й.) “Маноқиб аш-Шофеъий” асарида кўриш мумкин: “Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофизнинг бизга хабар бериб, дейдики: “Эшитдимки, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳорис Юнус ибн Абдулаълодан у эса аш-Шофеъийдан эшитган: “Агар бирор кимса куннинг бошида сўфий бўлса, уни туш пайти киргунча ақлидан озганини кўрасан” деб айтган... Мен дейманки, у (Шофеъий) тасаввуфга кирган ва сўфийликнинг ҳақиқий моҳиятидан эмас, балки фақат номи ҳамда ташқи шаклидан қаноатланган одамни назарда тутган. Улар риёзатдан ва амалдан юз ўгирган, муаммоларини мусулмонларга юклаган, уларни ўйламаган ва уларга нисбатан вазифасини адо этмаган, билим эгалламаган ва тўғри ибодатини бажармаган кишилардир. Шунингдек, у бундай сўфийларни бошқа бир жойда қуйидагича тавсифлайди: сўфий токи унда тўртта хислат мужассам бўлмаса сўфий бўлмайди: дангасалик, кўп овқат ейиш, кўп ухлаш ва исрофгарчилик. Бу ерда у шундай хислатга эга бўлганларни танқид қилади. Ҳақиқий сўфийларга келсак, улар сидқ ила Аллоҳга тақво қиладилар ва шариат ахлоқиға риоя этадилар, хоҳ ибодатда бўлсин, хоҳ инсонларга муносабатда. Бу гап унинг ҳақиқий сўфийлар билан дўст тутингани ва улардан фойдалар олганлиги сабабидан айтилгандир”. Келтирилган маълумотлардан кўринадики, имом Шофеъий тариқат аҳли билан яқин дўстона муносабатда бўлиб, суҳбатлар қурган.

Имом Аҳмад (164-241/780-855 й) буюк фикр ва ҳадисшунос олимлардан биридир. У 30 минг ҳадисни ўз ичига олган “Муснад” асарининг муаллифи. Олим 700 мингта ҳадисни ёддан билган [9, 339]. Ҳар тунда ибодатда бўлган ва ҳар куни Қуръонни тўлиқ ўқиган. Бу зот сўфийларга муҳаббат қўйиб, уларни дўст тутган. Баъзи бир ғаразгўйлар уни тасаввуфга қарши бўлган деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга сабаб қилиб, олимнинг машҳур сўфий Ҳорис ал-Мухосибий билан учрашишни таъқиқлаганини мисол қилиб келтирадилар. Ибн Касирнинг ёзишича, Ҳорис ал-Мухосибий дунёдан ўта йироқ инсон бўлган, бироқ шариат мусулмондан дунёдан бу даражада кескин узоқлашишни талаб қилмайди. Унинг шу иши имом Аҳмаднинг тақиқ қўйишга сабаб бўлган. Имом ал-Байҳақий бу тақиқнинг сабаби Ҳорис ал-Мухосибийнинг Калом илмига мойиллигида

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

деб билган. Ибн Халдун: “Калом – бу эътиқод аҳкомларини ақл ёрдамида ҳимоя қилишни ва Аҳли сунна ҳамда салафлар йўлидан эътиқодда ажралиб чиққан бидъатчиларни инкор этишни ўз ичига олган илмдир” дейди [10, 485]. Бироқ шунга қарамай, имом Аҳмад Исмоил ибн Исҳоқ Сирождан Ҳорис ал-Мухосибий ва унинг муридларини ўз уйига меҳмонга таклиф қилишни илтимос қилади. Имом Аҳмад улар келганда ҳеч ким уни кўрмайдиган жойда ўтиради. У Ҳориснинг ваъзини эшитгач, йиғлаб юборади ва ҳушидан кетишига оз қолади. Мажлисдан сўнг диндаги варо (тақво) ва дунёни тарк этиш ҳақидаги бундай маърузани бирор марта эшитмаганлигини айтади.

Агар имом Аҳмад тўлиқ Ҳорис ал-Мухосибийни инкор этган тақдирда ҳам, у тасаввуфга қарши бўлмаган. Бу олим дин борасида ўта қаттиққўллиги билан ажралиб турган. Маълумки, қайсидир масала борасида келишмай машҳур олим Яҳё ибн Муин билан алоқани узган. Кўпчилик олимлар имомнинг Ҳорис ал-Мухосибий билан унинг мўътазилийларга қарши Калом бўйича ёзган китоби сабабли келишмаган дейдилар. Сўфийларга келсак, олим уларни жуда ҳурмат қилган, чунки машҳур сўфий Бишр ал-Хофий дунёдан ўтганини эшитгач: “Унга Амр бин Қайсдан ўзга тенг келадиган киши йўқ эди. Агар Бишр уйланганида эди янада юксак комилликка эришган бўларди”. Яна Бишрнинг вафотидан сўнг, унга ўхшаш одам қолмади деган маълумотлар мавжуд. Зоҳир илми уламолари имом Аҳмад ва Яҳё ибн Муинлар билим борасида кучли бўлишларига қарамай, улар Маъруф ал-Кархийга бир қанча масалалар борасида савол бериш учун унинг олдига борардилар.

Аввалида имом Аҳмад ўз ўғлига сўфийлардан ўзини йироқ тутиши кераклигини айтган. Аммо сўфий Абу Ҳамза ал-Бағдодий билан дўстлашганидан ва аҳли тасаввуфни яхшироқ таниганидан кейин ўғлига: “Улар билан бўлгин, чунки улар билимда, қалбни асрашда, тақвода, дунёдан узоқлашишда ва олий даражаларга эришишда биздан ўзиб кетгандирлар” деб айтган.

Имом Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Каланасийнинг таъкидлашича имом Аҳмад сўфийлар тўғрисида шундай деган: “Мен улардан афзалроқ бирор одамларни билмайман”. Имом ҳол пайтида жазбага тушган сўфийлар ҳақида бир киши сўраганида: “Майли, улар Аллоҳдан нозил бўлганга бироз вақт (соат) қувонсинлар” деб айтган экан.

Ибн Сурайж (249-306/863-918 й) ўз давридаги машҳур шофеъий мазҳаби уламиси бўлган. Ибн Касирнинг маълумот беришича, Ибн Сурайж исломий илмларга доир 400 дан ортиқ асар ёзган [11, 136]. Баъзилар олимлар уни ўз даврининг мужаддиди деб атаган. Бу буюк олим ва имом машҳур сўфийлардан Жунайд ал-Бағдодий ва аш-Шиблийнинг мажлисларида иштирок этган. Ибн Сурайжнинг ўзи шундай дейди: “Сўфийлардан мен бошқалардан олмаган билимни олдим”. Одамлар бир куни Жунайд ал-Бағдодийдан баъзи бир сўзларни эшитадилар ва унинг маъносини тушунмайдилар. Шунда улар унинг маъносини Ибн Сурайждан сўраганларида, у шундай жавоб берган экан: “Мен улар айтадиган сўзлардан бирортасига тушунмайман, аммо улар сўзининг кучи танбеҳга лойиқ гапирадиган кишиларникига ўхшамайди”. Бундан кўринадики, сўфийлардан бирор ёмонликка чорлайдиган ва танбеҳ эшитишга олиб келадиган сўз чиқмайди.

Хулоса. Тўрт мазҳаб имоми ва салафи солиҳлар давридаги олимлар тасаввуфни жуда қадрлаганлар ва сўфийларга эҳтиром кўрсатганлар. Тасаввуф таълимотидаги поклик, инсонпарварлик ғоялари жамиятимиз-да долзарбдир. Шу билан бирга, миллий мафкурамиздаги асосий ғоялардан бири комил инсон тарбиясида тасаввуфни ўрганиш аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Abu Nasr Sirojiddin-Tusi.** (378 v.e.) “Al-lum'afit-tasavvuf”. - Bayrut: Dor ul-kitob al-ilmia, 2007.- 22 b.
2. **Mustafoash-Shuk'a.** “Islambila mazohib”. - Qohira: Matbaatus-saodat, 2008. - 491 b.
3. **Imom an-Navaviy.** Tazhibul-asmo val-lug'at. - Qohira: Dor ul-ma'rifat, 2011. - 285 b.
4. **Muhammad Az-Zabidiy.** “Ithof as-sodat al-muttaqin bi sharhi ihyoi ulum ad-din”. - Qohira: Matbaatul-maymana, 2015.- t 1. - 329 b.

5. **Muhammad bin Abdurahmon Hanafiy al-Haskafiy.** Ad-durrul-muxtor sharhi tanviri al-absor va jome' al-bihor. - Bayrut: Dor ul-kitob al-ilmiya, 2002. Tom 1. - 43 b.
6. **Muhammad Abdulloh al-Jurdoniy.** Fathul-allom bi sharhi murshidal-anom. - Bayrut, Dor Ibn Hazm, 1997. Tom 4.- 315 b.
7. **Abul Hasan al-Adaviy al-Molikiy.** Hoshiyatul-Adaviy. Tom 3.- 95 b.; Mulla Ali al-Qoriy "Sharhaynal-ilm", tom 1, 33 B; Yusuf Xattor Muhammad "Al-mavsuatul- Yusufiya", 55 b; Abdulqodir Iso "Haqoiqu anit-tasavvuf".- 566 b.
8. **Muhammad bin Idrisash-Shofe'iy.** Devoniash-Shofe'iy.- Qohira: Maktabat Ibn ino. 2009. - 46 b.
9. **Muhammad Az-Zabidiy.** Ithof as-sodat al-muttaqin bi sharhi ihyoi ulum ad-din. - Qohira: Matbaatul-maymana, 2015.- T 1.- 339 b.
10. **Ibn Xaldun.** Muqaddima.- Bayrut: Doru ihyoat-turas al-arabiy. 2008. 1 tom. - 485 b.

УДК: 35

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР КАФОЛАТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**СРЕДСТВА МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ – ГАРАНТИЕ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ
ПРИНЦИПОВ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

**THE MASS MEDIA AS THE GUARANTEE OF DEMOCRATIC PRINCIPLES:
NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE**

Курбанова Нодирабегим Шукуржон қизи

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти(PhD)

Kurbanova Nodirabegim Shukurjon qizi

basic doctoral student, Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Таянч сўзлар: сиёсат, жамоатчилик, фикр, ахборот, восита, коммуникация, мулоқот, журналистика, тажриба.

Ключевые слова: политика, общественность, мысль, новости, средство, коммуникация, диалог, журналистика, опыт.

Key words: policy, public, opinion, news, means, communication, dialogue, journalism, proficiency.

Мақолада оммавий ахборот воситалари жамиятнинг сиёсий минбари сифатида тадқиқ этилиб, мазкур йўналишда мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар ва уларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, миллий оммавий ахборот воситалари обрўсини халқ орасида ошириш масалалари хорижий тажриба асосида таҳлил қилинган.

В данной статье анализируется деятельность средств массовой информации в качестве политической трибуны, раскрыты правовые реформы и их значимость в нашем государстве. А также на основе зарубежного опыта определен роль национальной масс-медии в решении общественных проблем.

The article surveys the mass media as means of the political asset of the society and reveals the legal reforms conducted in our country and their significance. Also, the prominence of the national mass media is analyzed through the problem solving among the masses based on the foreign expertise.

Кириш. Оммавий ахборот воситаларига “тўртинчи ҳокимият” дея баҳо берилди. Сабаби демократик тамойилларга кўра, ушбу тармоқ конструктив шаклдаги муҳолифат сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти устидан назорат юритувчи субъект ҳисобланади. Демократик тамойилларга кўра, оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият, фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи субъект бўлганлиги